

Ислом КАРИМОВ:

БИЗ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА КИРИБ БОРАДИГАН ЎЗ ЙЎЛИМИЗНИ ТОПИБ ОЛДИК ВА БУ ЙЎЛДА ДАСТЛАБКИ, ШУ БИЛАН БИРГА, САЛМОҚЛИ ҚАДАМЛАР ҚЎЙМОҚДАМИЗ. БУ ҲАРАКАТЛАР, ИНШООЛЛОҲ, ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ САМАРАСИНИ БЕРИШИГА ХАЛҚИМИЗ ИШОНДИ. БУ ИШОНЧНИ ИЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ИЖОБИЙ МАҚСАДЛАР САРИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҚАДАМ ҚЎЙИБ, СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШДА ИФОДА ҚИЛМОҚДА.



O'ZBEKISTON VOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOYIY GAZETASI □ GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN
2000 ЙИЛ □ 22 ИЮНЬ □ ПАЙШАНБА № 71 (26621)

МДХ: НАВБАТДАГИ САММИТ

21 июнь, Москва. Ўза махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади. Кремлда МДХ мамлакатлари давлат раҳбарлари Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иштирок этди. Мажлисда Кенгашнинг эркин савдо зонасини яратиш борасидаги қарорларнинг бажарилиши, Ҳамдўстликни 2005 йилгача ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар дастури, МДХнинг террорчиликка қарши кураш марказини ташкил этиш, шунингдек, МДХ давлатларининг 2003 йилгача халқаро террорчилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги дастури тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Иштирокчилар Кенгашнинг наватдаги мажлисини шу йил ноябрь ойининг охири декабрнинг бошларида Беларус пойтахти Минск шаҳрида ўтказишга келишиб олди. Саммитдан сўнг Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда халқаро терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалалар ҳусусида фикрлашиб олинди.

■ (Ўза)

БОЛАЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ

ни кузатиб бориш БМТ Болалар ҳуқуқи халқаро қўмитаси зиммасига юклатилган. Ўзбекистоннинг ЮНИСЕФ билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб борапти. Ҳозирги кунда ташкилотнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси икки йўналиш бўйича фаолият юртыпти. Биринчи йўналиш болаларни турли юқумли касалликларга қарши эмлаш билан боғлиқ ишларни ўз ичига олган бўлиб, бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги икки йил мобайнида Ўзбекистонга бир миллион АҚШ долларидан ортироқ миқдорда вакцина келтирилди. Ўзбекистонда «эмлаш кунлари»нинг ўтказилиши анъанага ай-

лашиб қолди.

ЮНИСЕФ фаолиятининг иккинчи йўналиши юртимизда болалар ва аёллар орасидаги камқонликка қарши курашдир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам анча салмоқли.

Матбуот анжуманида таъкидландики, юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар салмоқли бўлса-да, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштириш зарур. Зеро, болалар ҳамма вақт эътиборга муҳтож.


■ (Ўза)

БИРИНЧИ БЎЛИШ — САРИСИЁЛИКЛАРГА ШАРАФ

Режа ва ният яқдил бўлган, қўзланган мақсадга албатта эришилади. Шу боис, мана беш-олти йилдики, Сарисий тумани галлакорлари давлатга галла топшириш режасини вилоятда биринчи бўлиб урдаламоқда. — Мазкур йилда 3320 гектар сувли майдонда деҳқончилик қилинди. Ҳосил чўчи эса қўзланганидан ҳам юқори, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис

депутати Қосимжон Холдоров. — Туманимиз бўйича ҳар гектар майдондан 45-47 центнердан, жами 14778 тонна ҳосил олмақчимиз. Бу режадагидан 1628 тонна кўп демакдир. Унта ширкат ҳўжалигида 30 та қосимбайн унум билан ишламоқда. Йиғиб олинган ҳосил пешма-пеш оморларга жўнатиляпти.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Наманган вилояти. Замонавий тез тиббий ёрдам маркази.

ХДП ХАБАРИ «СИЁСАТ» КЛУБИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК Котибяти Марказий Кенгаш ҳузуринда бир неча йил давомида фаолият кўрсатиб келган илмий-назарий семинар негизда «Сиёсат» партиявий клубини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Замонавий сиёсий фаолият барча партия ходимларидан, хусусан, партия ташкилотлари етакчиларидан, кўпартиялик тизими қарор топган ва фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошириб бораётган шароитларда аҳоли турли қатламлари вакиллари билан ҳам, сиёсий рақиблар билан ҳам мулоқот қилиш қонун-қоидаларини пухта ўзлаштиришни талаб қилади. Иштирокчиларнинг долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича очик мулоқоти ва эркин фикр алмушуви тарзида олиб борилиши кўзда тутилаётган мазкур клуб, фаолияти ушбу вазифани бажаришга ўзлашмоқда даъват этилган. Марказий Кенгаш, Ташкент шаҳар, Ташкент вилояти, шунингдек, уларнинг тасарруфидаги партия кенгашларининг ҳамда ХДП марказий матбуот нашрларининг раҳбар кадрлари ва масъул ходимлари мазкур клубнинг аъзоларидирлар. Клубнинг 2000 йил 21 июни кўни бўлиб ўтган биринчи машғулоты Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Донишманд хал-

ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

Бахмал тумани марказида 450 ўринли касб-хунар коллежи қурилмақда, — деб ёзди мухбиримиз Пардабой Тожибоев. — Бинони янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Махсус кўчма механизацияланган жамланма қурувчиларига Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Ургутдан келган усталар кўмаклашмоқда. 371 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажариладиган коллежда ҳозир пардозлаш ишлари бошланган. Бу ерда, шунингдек, ётоқхона, спорт иншоотлари ва ошхона ҳам бўлади.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



Тургунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Оролни кўтариш халқаро жағрамаси, сув ресурслари ва атроф-муҳитни бошқариш агентлиги сувдан фойдаланиш бўйича халқаро кўрик-танловининг биринчи босқич — 1999 йилги якуларини чиқарди. Кўриқка Марказий Осиё давлатларидаги сув ва деҳқончилик ҳамда фермер ҳўжаликлари эришган натижалар тақдим этилди. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги миришкорларига 1-ўрин ва 5000 АҚШ долларига тенг мукофот насиб этди. Ҳаётда ҳамма нарса ўзгаришда. Бунини кузатиш мумкинми? Албатта. Бундан ўн йиллар бурун ҳўжаликнинг далаларига туташ канал ёқасида ёғочдан нарибери ёсалган «штаб» — чайла бўлар, раҳбар шу жойда иш тақсимларди. У бўлмаганда, шолча, унинг бир четида сувчининг қўрпалари йиғилиб турарди. Хўллас, сув қўриқлариди. Энди бу манзара ўзгарган. Ўн йилдан бунён раис Азамат Боймуродовнинг эрталаб техника паркида учратиш мумкин. Ҳосили шигил ток ишқоми тағдирига столда ўтириб, фаоллар билан ҳар кўнги ишни келишиб олади. Кейин дала, идора... — Томорқаларга ҳам сув беринг, экинлари қўриб қолмасин, — дерди у билан учрашиш учун борганимда миробга. Кейин қўришган, гапида давом этади: — 14 та қишлоғимизда 16,5 минг аҳоли истиқомат қилаяпти. Улар 250 гектар томорқа еридан фойдаланишади. Синабоб, Сайили ва бошқа қишлоқларда томорқалардан 250-300 минг сўмдан даромад қилинаёпти. Бозорларга эртаги помидор, бодиринг ва бошқа махсуслотлар чиқараётганлар ҳам шулар. Сув оз, аммо эплашимиз керак эмасми? Ҳа-я, Самарқанд қишлоқ ҳўжалик илмгоҳи профессори, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори Базан Николайевич Николаевич билан танишим. Бир неча йилдан бунён галла етиштириш бўйича тажрибаларини бизга ўргатаётганлар. — Аввало, деҳқонларга қўйил қўлиш керак, — дейди Лазер Николаевич салмоқ билан. — Бир қарич ер ва бир томчи сувини эътибордан четда қолдиришмайди. Агар шу тажриба бўлмаса, ҳар қанча яхши уруғ бўлса ҳам юқори ҳосил олиш кўйин. — Домла қанчаларки қилаяптилар, — дейди раис. — У кишининг махлахати билан иш тутаймиз. Масалан, 1524 гектар сўғориладиган еримиз бор. 27 фоиз майдонлар берида ажратилган. Пахта-бедра-галлани алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилган. Утган йили 520 гектар ерга бўдуйнинг «Улугбек-600», «Юна», «Сангзор-8» навларини экиб, ҳосилдорлигини 42,5 центнерга етказдик. Музаффар Бекмуродов, Нормат Рўзику-

ДИККАТ: ТАЖРИБА

лов бошлиқ ижарачилар даласида ҳосилдорлик 65-70 центнерга кўтарилди. 500 гектар пахта ҳосилдорлиги 32 центнердан тушди. Бир неча йилдан бунён «Наманган-77» навини ақяапмиз. Жами 12 миллион сўм соф фойдалдик. — Сув-чи, — сўрайман ундан. — Сув ҳар йили бир хил бўлмайди, комбайнлар гуруллаб ишлаётган далаларни, гўза ниҳоллари дуркун кўқариб турган майдонларни айланамиз. Мен барваста, кўрак юзини гоҳ қулги, гоҳ ўйчан ифода эгаллаган, ҳеч ким билан овозини кўтариб бийрмайдиган раис Азамат Боймуродов ҳақида бир дам ўйга толаман. У боя «ўн йилларнинг роб, истиқол эса ўз меҳнатларига боғлиқлигини одамларнинг қалбига сингирди. Ширкат тузишди. Одамлар ўз ерларига эга бўлишди. Томорқаларда тўпланган тажрибани энди ўз далаларига кўчиришди. Шу ўйлар билан ҳўжаликнинг олдинги мироби, ҳозир бригад етакчиси Азамат Эргашевнинг келганини сезмай қолдимиз. — Қозғоғистонда ўтган кўриқда ҳам қатнашдим, — дейди Азамат. — Тажрибаларимиз ҳақида ҳам гапирдим. Очиги, сўғорилган илм кўп. Биз охириги қўлқондан сув ичамиз. Аммо исрофгарчиликнинг олдини олиш учун ҳамма тадбирлар кўриланган. Асосий ариқлар бетонлаштирилган. Артезиан қудуқлардан олинаётган сув ҳам бетон ариқлардан узатилади. Сув тақчил даврларда эгат ташлаб, намиқтириб сўғоришга ҳаракат қиламиз. Қўшни Китоб туманидан бизга ўтган оқва сувдан ҳам фойдаланамиз. Масалан, ҳўжалигимиз 10 йил ичида 8 йил учун ажратилган сувини ишлатиб, қолганини тежаб қолди. — Фақат шўгина эмас, — давом эттиради раис, — акциядорлик жамияти тузилиб, чорва моллари камайиб кетган эди. Энди ферма-мизни қайтариб олиб, моллар сонини 650 бошга етказдик. Нима десангиз майли-ку, аммо ҳўжаликлардан чорвани олиб қўйиш асло бўлмаган иш. Озуқа ўзимиздан

РАБЛАР ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Мисрда шарқ тиллари ва адабиёти бўйича етук мутахассис ва олим, ватандошимиз Насрулло Мубашшир ат-Тарозийнинг араб талабалари учун ўзбек тили дарслигининг биринчи қисми чоп этилди. — деб хабар қилади «Жаҳон» АА мухбири. Дарсликдан нафақат ўзбек тилини ўрганишда, шу билан бирга ватанимизнинг тарихи, жуғрофия, маъмурий тузилиши, табиий бойликлари, мамлакат халқлари, диний эътиқоди ҳақидаги қўлаб маълумотлари олиш мумкин. Айти пайта мазкур дарслик асосида ал-Аҳзар университетиде 105 талаба ўзбек тилини ўрганмоқда.

БОЙЛИКЛАРГА КОН ЮРТИМ МАНИМ

Марказий Осиёдаги нефть захира-ларининг 30 фоизи, табиий газнинг эса 10 фоизи Ўзбекистон хиссасига тўғри келади. Республикаимизда 178 та нефть ва газ қонлари мажмуд, улардан 51 таси нефть, 22 таси газ, 17 тасида конденсат-аралашма қазиб олинади. 45 та янги кон ўзлаштириш учун тайёрланган, 8 таси консервация қилинган, 35 таси қўдирувда аниқланган.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 800 ДАН ОРТИҚ

соғломлаштириш оромгоҳлари болажонлар хизматиде. «Соғлом авлод йили»да оромгоҳларда 332 минг нафар болани соғломлаштиришни ташкил этиш кўзда тутилган. 194 минг нафардан зиёд ўғил-қизлар шаҳар ташҳарисидеги соғломлаштириш оромгоҳларида, 71 минг нафардан кўпроқ бола санаторий типидеги, 3 минг нафардан ортиқ болакайлар спорт-соғломлаштириш, қолганлари эса мактаб қошидаги кўндуги ҳамда меҳнат-роҳат оромгоҳларида дам оладилар, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюмаси Марказий қўмитаси раиси Озода Мухитдинова. — Оромгоҳларга йўланамалар қорхона ва ташкилот касабга уюмлари томонидан берилиб, ота-оналар йўланма қўйиматининг 10 фоизинигина тўлайдилар, холос.

БУХОРО «ШИФОБАХШ»ИГА ХАЛҚАРО СОВРИН

Ялтада ўтказилган алкоғолли ичимликлар таъми ва сифатига бағишланган халқаро кўргазма таъло-вида Бухоронинг «Шифобахш» балъзми олтин медалга сазовор бўлди, — сўноқлайди мухбиримиз Даврон Бахронов. — Мутахассисларнинг фикрича, «Шохру» хиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган бу балъзам кўпгина касалликларга даво бўлиб, таркибиде 30 хилдан ортиқ фойдали моддалар бор. Бухоронинг саҳро ва кенгликларида ўсадиган яллис, янтоқ, кашнич, торғайқон, арпабодийн, қизилпойча каби ўнлаб ўсимликлар қайнат-масидан юзага келадиган «Шифобахш» каби ичимликлар жаҳон бозорида ўз ўрнини топади.

ЙИЛ ОЙ КҮН

Бухоро «Шифобахш»ига Халқаро Соврин

ЎТМИШДАН МАЪЛУМ ҲАҚИҚАТ

Фарзанд учун она сўтидан яхшироқ неъмат йўқлиги аъзалдан маълум. Она сўтининг ўрнини боса оладиган ёки бўлмаса унга яқинроқ турадиган бошқа бирор-бир озуқа бўлмаса керак. Яқинда Гана парламенти она сўти ўрнини босувчи ҳар қандай махсуслотни сотиш ва реклама қилишни тақиқлаш тўғрисида қонун қабул қилди. Қонунчи бузган шахсларга 5 миллион седи (тақхизим 1000 АҚШ долларига тенг) миқдорда жарима солинади ёки бир йилгача қамқоқ жазоси берилар экан. Утмишдан бизга маълум бўлган бу ҳақиқатни бугун «замонавийла-шиб» кетган ёш оналарга яна бир бор эслатиб қўйишни лозим топ-дик.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШГА ҚАНЧА МАБЛАҒ АЖРАТИЛМОҚДА?

	1996	1997	1998	1999 (бўлор)	2000 (сўғина)	2001 (сўғина)
Соғлиқни сақлашга ажратилган хароҷатлар (ЯИМ га нисбатан % ҳисобиде)	3.6	3.14	3.57	4.4	4.7	5.1
Давлат маблағлари, %	97.2	97.1	96.9	79.5	74.5	68.6
Индустрият маблағлари, %	2.8	2.9	3.1	20.5	25.5	31.4

(Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумоти)
■ Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади.

БУРЧ ВА МАЪСУЛИЯТ

Ўзбекистон бутун жаҳон тан олаётган ҳуқуқий давлат қуриш йўлида бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунлар сўзсиз тан олинади. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, сўзи ҳам, йўли ҳам қонундир. Қонунни бузишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун халқимизнинг хоҳиш-иродасидир.

Ўзбекистоннинг мақсади аниқ — ҳуқуқий, одил демократик жамият қуриш, халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қадриятларини ҳимоя қилиш, унинг ораву-умидларини рўйбга чиқариш учун шароит яратиш. Бизлар ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг асосий мавзусига айлантириш учун интилимиз. Энг муҳим масала, бошлаган барча ислохотларимизнинг пировад мақсади битта — адолатли жамият барпо этиш.

Ўзбекистон Республикаси — ҳуқуқий давлат сифатида ҳар қандай синф, партия, ҳаракат ва гуруҳлар ҳукмронлигига йўл қўйилмайдиган, конституция доирасида сиёсий партияларга муҳолифлик эркинлигини таъминлайдиган, фуқаролар ҳуқуқини халқроқ меъёрлар даражасида сақлайдиган, давлатнинг фуқаролари олдидаги маъсулиятини фуқароларнинг давлат олдидаги маъсулиятидан кам қўймайдиган сиёсий ташкилотдир. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунга мувофиқ иш қиладилар. Шу мақсадда Конституциянинг бирорта қондиаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмайдиган тарзда талқин этилиши, бирорта қонун ёки меъёрий

ҳуқуқий ҳужжат Конституциямиз қондаларига зид келиши мумкин эмас, деб ёзиб қўйилиши ва унга амал қилиниши бежиз эмас.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнидаги бешта муҳим тамойилнинг моҳияти ҳам мамлакатимиздаги қонун устуворлигини таъминлаш, қонунга иттиқдорликни шакллантириш ва қонунлар сўзсиз тан олинади. Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак. Бу тамойилни И. А. Каримов шундай қилиб айтган: «Бутун интилимиз ва тараққийот жараёни қонунга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар саналган, амалий қўлға эга бўлган қонунга таянгандагина бу ўзгаришлар сезиларли натижалар бериши мумкин».

Ҳар бир давлат бетақдор ижтимоий ҳодиса, муайян халқ тарихий-маънавий тараққийотнинг натижасидир, унинг ўзига хос ва мос маданий ривожланишининг ҳиссиётларидир. Ҳозир барпо этилаётган давлатимиз халқимиз ҳаётига зўравонлик йўли билан киритилган собиқ совет социалистик давлатининг бутунлай акси, янги қурилаётган мустақил давлатдир. Эски совет давлатининг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий онги ҳамда руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди. Бундай давлат, энг аввало, қимматли сунъат эди? Шўролар тизими ўша давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида чуқур жарлик юзага келди.

Эндиликда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики,

халқимиз босиб ўтган йўлни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимизнинг негизини аниқлаб, буюк маданиятимиз ва қадимий меросимиз илдизларига қайтиб ўтишдаги бой анъаналарни ҳуқуқий демократик қуришга таъбиқ этишимиз керак.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш даврида жамиятни, кишилар муносабатларини бошқариш буйруқбозлик, зўравонлик, тўрачилик асосида эмас, балки қонун асосида, ҳуқуқий кафолатланган қўриқчилик асосида амалга оширилиши шарт. Бу мақсадга эришиш учун жамият аъзолари ҳуқуқий маданият, миллий онг ва ҳуқуқий билимлар билан қўриқланган бўлиши лозим.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши ҳуқуқий давлатни барпо этишда халқ қилувчи ўрин эгаллайди. Асосий қонунимизни қабул қилишда объектив ва субъектив, ички ва ташқи омиллар биринчи ўринда туради. Улар инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитетига содиқликда, ҳозирги ва келажак олдидаги юксак маъсулиятни аниқлашда, Ўзбек давлатчилиги ривожининг салкам 3000 йиллик тарихий таърихига таъминликда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатни намоян қилишда, халқроқ ҳуқуқнинг умумий эҳтиёж эган қондаларни устуворлигини таъминлашда, Ватанимиз фуқароларининг келажакда муносаб ҳаёт кечиришини таъминлашда интилишида, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этилиши кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлигини

таъминлашни мақсад қилиб қўйган халқимизнинг муҳтор вакиллари сиймосида намоян бўлади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти халқимиз манфаатларини қўлаб ва асосий қонунимиз доирасида ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидagina бошқарилади. Ҳокимият тизими конституцион тамойиллар асосида қонун чиқарувчи, ижро

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизими ва ҳуқуқий демократик жамият қуришда Президентнинг роли катта бўлиб, Конституцияга биноан у давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғидир. У айна пайтда Вазирилар Маҳкамасининг Раиси, Республика Қуроли Кучларининг Олий Бош қўмондонини ҳисобланади ва фуқаролар томонидан умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида

қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳам давлатнинг муҳим таркибий қисмидир. Виолетлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органи бўлиб, улар фуқаролар ва давлат манфаатларини қўлаб, ваколатларига тааллуқли масалаларни хал қиладилар.

Ўзбекистондаги шаҳарларда, қишлоқларда ва овулларда, шунингдек, уларнинг таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўз-ўзини бошқариш органи бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни

ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўз-ўзини бошқариш органининг сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Ўзбекистонда ҳокимлик бошқаруви тизими тикланган бўлиб, бу маҳаллий давлат органининг асосини ташкил қиладди.

Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти Республика Конституцияси томонидан кафолатланган. Суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмалардан мустақил ҳолда иш қиладди.

Эндиликда биз ҳуқуқий инсонпарвар демократик жамият барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, бу эзгу мақсадимизга жамиятнинг турли қараш ва манфаатларини тўла акс эттирадиган

ган, замон талабларига жавоб беришга қодир миллий парламентчилигимизни шакллантирмасдан туриб эриша олаймиз.

Йўлбошимиз таъкидлаганидек, бу миллий парламент қўйи палата — Олий Мажлис ва юқори палата — Олий Кенгашдан иборат бўлади. Қўйи палата, яъни Олий Мажлис турли сиёсий партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан таркиб топади. Унинг аъзолари сиёсатни, иқтисодни, маънавиятни ва қонунчилик ишларини ҳар томонлама тушунадиган профессионал депутатлар бўлади ва улар доимий асосда фаолият юритади. Шу тариха ҳар бир сиёсий партия, ҳар бир ижтимоий-сиёсий куч ўзи сайлаган депутатлар тисмосида Ўзбекистон ҳаётида кечяётган жараёнларга таъсир этиш имконига эга бўлади. Шулар асосида сайловолди ва сайлов жараёнлари ҳам шунга мувофиқ, чинакам кураш тарзида ўтади. Чунки, депутат бўлман деган одам, аввало, ўз партияси доирасида номзодлар рўйхатига кириш учун курашади. Унинг бор қобилият ва салоҳияти даставвал шу босқичда синодан ўтади. Кейин эса катта кураш сайловолди курашлари бўлиб беради, бундай тизим шариоитида сайловчилар ҳузурда турли ваъдалар, дастурлар билан сайловчиларни ишонтириб бўлмайдми.

Миллий парламентчилигимизни юқори палатаси — Олий Кенгаш жойлардаги маҳаллий кенгашлар — халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг умумий таркибидан сайланиб, вакил қилиб юборилган депутатлардан ташкил топади. Буни 2 босқичли сайлов асосида шаклланивчи миллий палата дейиш ҳам мумкин. Бу босқичда, аввало, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари тўғридан-тўғри буладиган сайлов асосида шаклланади. Кейинчалик улар маълум ҳудуднинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини белгилаб, қонунда кўрсатилган миқдорда депутатларни сайлаб, миллий парламентимиз

нинг юқори палатаси — Олий Кенгашга вакил қилиб юборади. Олий Кенгашга уларни сайлашда ҳам ҳар бир депутатнинг шу ҳудуд вазифа ва муаммоларини қанчалик билиши, ўз қарашларини Олий Кенгашга ўтказа олиш қобилияти, энг муҳими, ўз халқи ва ватанига фидойилиги ҳисобга олинши керак, деб ўйлайман.

Миллий парламентчилигимизнинг бу формаси эски усулда сайланиб олган депутатларга ўхшаб қолади, фаолиятсиз, мажлисларда фақатгина қўлини қўтариб, тушуриб ўтириш учун депутат бўлиб иш юрита олмайдми. Бунга унинг рақиблари — бошқа фракция вакиллари, партиядошлари уларнинг камчиликларини фош этиб, ўз мавқелини мустаҳкамлаб олади. Бундай нуқсонларга йўл қўймайлик учун ҳар бир депутат юксак маданият илминини, қонуний кураш йўлиларини пухта эгаллашни вақт талаб этмоқда. Булар келгусида миллий парламентчилигимиз ривожланишида асосий ғоясини ташкил этишини Президентимиз И. А. Каримов шу йил 25-26 майда бўлиб ўтган 2 чакирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2 сессиясида алоҳида таъкидлади.

Хулоса шунки, қонун устувор бўлган жойда қўлгина муаммоларнинг ечими осонлашади. Мустақил юртимиз одил, демократик жамият қуришга бел боғлаган экан, айтиш мумкинки, қонун, иқтисод ва мафкура юрт парвозини таъминлайдиган қудратли қўш қанотдир. Улар бир-бирларининг қудратини таъминлайдиган, бир-бирига куч берадиган, бир бутунлигини ташкил этувчи омиллар эканлигини ҳар бир фуқаро англаб этишини вақт талаб этмоқда.

■ Сўлтонхўжа ОРИФХУҲАЕВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти.

ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ОНГЛИ ФУҚАРОЛАРГА ТАЯНАДИ

этувчи, суд тармоқларига бўлинган. Давлат ҳокимиятини ташкил этишда Олий Мажлис алоҳида ўрин тутаяди. У олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади ва конституцион ислохот асосида ташкил толган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳудудий округлар бўйича кўлпартиявийлик асосида беш йиллик муддатга сайланган — 250 нафар депутатдан иборат. Ўзбекистон Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси деган ҳуқуқ бор. Бундай ҳуқуққа Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон, Республикаси, Ўзбекистон Республикасининг депутатлари, Вазирилар Маҳкамаси, Республика Конституциявий суди, Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва Бош прокурори эгадир.

да яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Вазирилар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми ташкил этилиши ва фаолият тартиби ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Ўзбекистонда ҳокимлик бошқаруви тизими тикланган бўлиб, бу маҳаллий давлат органининг асосини ташкил қиладди.

Вазирилар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудидagi барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган

ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўз-ўзини бошқариш органининг сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Ўзбекистонда ҳокимлик бошқаруви тизими тикланган бўлиб, бу маҳаллий давлат органининг асосини ташкил қиладди.

Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти Республика Конституцияси томонидан кафолатланган. Суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмалардан мустақил ҳолда иш қиладди.

Эндиликда биз ҳуқуқий инсонпарвар демократик жамият барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, бу эзгу мақсадимизга жамиятнинг турли қараш ва манфаатларини тўла акс эттирадиган

Тажрибали тадбиркор, Кўшқўр туманидаги «Довуд» хўжалиги бошлиғи, ХДП аъзоси Х. Бобоқонов қанд лавлаги этиштириш борасида ўтган мавсумда республика бўйича юқори кўрсаткичга эришган эди. Фермер бу йил ҳам 25 гектар майдонда қанд лавлага ва пахта парваришмоқда. ХДП туман кенгаши раҳбарлари фермер даласида мунтазам бўлиб, унга ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Суратда: туман партия кенгаши котиби Фарҳод Раҳимов (чапда) уста фермер билан мулоқотда.

■ Саъдулло БОБО олган сурат.

ланган биринчи халқроқ фестивал Ўзбекистон маданият ҳаётида ёрқин саҳифалардан бири бўлишига ва қадимий маданиятга эга бўлган мамлакатнинг ўзига хос таърифиомасига айланишига шубҳа йўқ.

■ Алишер РҲЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ТАДБИРКОРЛИК

Фойда қўриш ОСОНМАС

Маълумки, уч-тўрт йил олдин паррандачиликка эътибор су-сайгани тўғрисида матбуотда бoғ урилганди. Кейинги икки-уч йил ичида эса бу соҳа яхшиям дейилмапти, ёмон ҳам. Ҳўш, нега? Демак, соҳада нимадир ялт этиб кўзга ташланапти. Аҳолининг туҳумга ва парҳез товуқ зўтига эҳтиёжи биров бўлса-да қондириляпти. Агар Запота тумани насали туҳум ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Нур» ҳўсабарлик жамияти фаолиятиса бир назар ташласак, олдин ҳам, бузун ҳам иш мароми бир хилда кетганлигини кузатиш мумкин.

Бунинг асосий сабабларидан бири озуқа муаммосининг хал этилганлиги бўлса, иккинчидан, малакали мутахассисларнинг ўтиш даври иқтисодий қийинчиликларига қарамай маъмурият уларнинг кетиб қолмаслик чораларини кўрган-лигидadir.

Шунингдек, жамият аъзолари ўзларига ажратилган 8 гектар ердан унумли фойдаланди. «Арзимас ердан нима ҳосил олардик, минг-минглаб товуқ учун бу урвоқ ҳам бўлмайди-ку», деб ўтиришмади. Барча майдонларга қовоқ экилди. Бошида биров ажабландик: қовоқнинг товуққа нима дахли бор.

— Қовоқ туҳум сифатини яхшилаб, товуқларнинг касалликка чалиниши эҳтимолининг олдини оларкан. Шу боисдан кунига 21 минг дона сифатли туҳум олинган, — дейди «Нур» Ҳўсабарлик жамияти раиси Анвархон Низомхўжаев. — Ҳўзирча 32 минг товуқ туҳум бермоқда. Қолган 36 минг ҳўжалар ҳам иолда маҳсулот бера бошласа, камидан кам туҳум ишлаб чиқариши 50 минг донага етказамиз.

Биргина туҳумнинг ўзидан кунига миллион сўм даромад қиляпти. Бу кўрсаткич демак инюль ойдан бошлаб икки ҳиссага ортади. Жамоанинг ҳеч қимдан қарзи йўқ. Ҳўтан йили 56 миллион сўм, шу йилнинг биринчи чоратини эса 6 миллион сўм соф фойда билан яқунлашди. 119 нафар ишчи ва хизматчиларнинг мунтазам иш ҳақлари ўз вақтида бериб турилибди. Ҳўтан йил якуни бўйича эса акциядорлар, ҳар бир акциясига 2314 сўмдан дивиденд олишди. Албатта, бу жараён 1994 йилдан, яъни жамоа акциядорлик жамиятига айлانгандан бўён узлуксиз давом этмоқда.

— Одамларимиз яхши ишлаётганликларининг сабаби, қўллари мўмай-мўмай пул кўрмоқда, — дейди корхонанинг бош иқтисодийчиси Тохир Алимов. — Мақсад кам меҳнат, кам харажат сарфлаб, кўпроқ фойда олишга эришиш.

Унинг сўзидан мулкнинг, яъни, акцияларнинг асосий қисми жамоага тегишлилиги нақадар фойдали эканлиги ойдinлашди. Мана шунинг ўзи ҳам уларнинг ишлаб чиқаришдаги маъкеини, меҳнатга муносабати тубдан ўзгараётганлигини кўрсатади. Мазкур жамоанинг насали туҳум этиштиратганлигини ҳисобга олсак, самардорлик янада ошганлиги яққол намоян бўлади.

Шу ўринда яна бир мисол: 1992 йилда ҳўсабарлик жамиятида 3 миллион донадан сал ошқик насали туҳум этиштирилган бўлса, Ҳўтан йили 11 миллион дона, яъни 205 фоизга режа бажарилди. Шу ерда бир савоёл тугилади, нега барча корхона ва ташкилотларда иш мана шундай кетмаётир? Юқсалишнинг хўзур-ҳаловатини «Нур»чилардек татиб кўришсалар яхши бўларди.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ҲИММАТ

ХАРИДОР РИЗОСИ — АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат маҳсулотли, озиқ-овқат ва бошқа моддий неъматлар яратиш борасида муайян ютуқларга эришилди. Бозорларимиз, дўконлар, савдо шаҳобчалари хорижий маҳсулотлар билан бирга ўзимизда ишлаб чиқарилган неъматлар билан тўлиб бормоқда. Эндиликда савдо ходимларининг хизматига ҳам муносаб баҳо берилмоқда.

Бутунги кунда савдо ходимлари жамиятнинг илгор кишилари қаторига қўшилди. Бинобарин, ҳалол, инсофли тижоратчилар сон тобора кўпайиб бормоқда. Бу соҳада ҳам анчайин ибратли ислохотлар амалга оширилди.

«Қашқадарёсавдо» ҳудудий савдо ишлаб чиқариш акциядорлик компанияси ҳам аҳолига сифатли, намунали хизмат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан ташкил этилган эди. Ушбу акциядорлик компаниясига мулкчилик шакли қандай бўлишидан қатъи назар 24 та савдо ташкилотлари таъсисчи бўлиб кирган. Айни пайтда 30 дан ортиқ савдо ташкилотлари билан шартнома асосида иш юритилмоқда.

— Жамоамизнинг кўп минг кишилик аъзолари аҳолига савдо хизмати кўрсатиш борасида яхшигина тажриба тўплаганлар, — дейди «Қашқадарёсавдо» акциядорлик компанияси раиси Аминжон Каримов. — Компаниямиз тизимдаги савдо ташкилотларига қарашли 117 та дўкон орқали аҳолини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқдамиз. Айниқса, саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари

таъминотида узилишга йўл қўймайлик учун муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқдик. Марказлашган усулда маҳсулот келтириш йўлга қўйилганлиги боис, бу борада сезиларли натижаларга эришилмоқда. Вилоят аҳолиси кундалик эҳтиёжи моллари билан узлуксиз таъминланмоқда. Айниқса, маркетинг ва бозор конъюнктурасини ўрганиш бўйича муҳим ишлар қилинаётир. Назорат ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Умуман олганда ушбу акциядорлик компанияси ўтган йилги мол айланши ҳажми ва режаларнинг бажарилиши жиҳатдан мамлакатимизда илгорлардан бирга айланди. Жорий йилда ҳам жамоа аъзолари яхши меҳнат қилмоқдалар. Мол айланши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,12 баробар ошди.

Айни кунларда акциядорлик компанияси аъзолари аҳолини барча зарур маҳсулотлар билан таъминлаш борасида янада кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишмоқда. Улар «Харидор ризоси — адолат тарозиси», нақлига амал қилиб меҳнат қилишаётир.

■ Шоҳабдор МИРҲАБИБОВ, Мирбаҳтиёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари



«ХАМСА-2000»

Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмасининг «Зумрад» маданият маркази шу йилнинг 26 октябрдан 29 октябрга «Хамса-2000» биринчи халқроқ фольклор мода фестивалини Тошкентда ўтказди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги мададида ўтказилган ушбу фестивалнинг бош ҳўмийси эса «Pnlip Morris management services b. v.» компанияси ваколатхонасидир.

«Зумрад» маданият марказининг фаолияти Ўзбекистон санъатини ривожлантириш ва уни ташвиқ этиш билан боғлиқ. Бундан саккиз ярим йил муқаддам вужудга келган марказ ҳозирга қадар ўзбек санъатига бағишланган 200 дан ортиқ турли кўргазма, кўлаб анжуманлар, тақдиротлар ва семинарларни ўтказди. Шунингдек, аънаваний хўнармандчилик бағишланган кўргазмалар, миллий матолардан яра-

тилган либослар намойишлари ҳам бўлиб ўтди.

Маълумки, республикамизда замонавий мода билан уйғунлашган кетган миллий кийим-кечакларни яратиш ҳам ривожланиб бормоқда. Зеро, аънаваний ўзбек абрли матолари IX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида машҳур ва манзур бўлган. Эндиликда қўлда тўқилган аънаваний ўзбек матолари Фарбий Европа мамлакатлари етакчи моделерларининг коллекцияларида кенг фойдаланилмоқда. Моделерлар кийим-кечаклар дизайнида Шарқ аънаваларидан фойдаланишга катта қизиқиш билан қармоқдалар. Шу боис ҳам бўлажак «Хамса-2000» халқроқ фольклор мода фестивалида улар яққол ўз аксини топади. Унда Ўзбекистонлик дизайнерлардан ташқари Озарбойжон, Бангладеш,

Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Малайзия, Россия, Украина, Швейцария, шунингдек Германия ва Франция моделерлари қатнашуви режалаштирилмоқда. Фольклор модасига бағиш-



КОРА КИЛМИШ

Хатирчи... қишлоғи. Вақт алламаҳалдан ошганда уйига қайтган ширакайф Мухаммаджон отаси билан хотинини хиёнат устида қўлга туширди.

— Сенга бошқа уйнаш топилмади, Соки-и-на! Манжаллака-и-я... Талваса ва қўқувга тушган хотин деразага ўзини урдди. Даҳлизда қўрқувдан лир-дир титраб турган отаси эса алланималарди деб, ўзини чагитмоқчи бўлди.

Мухаммаджоннинг кўзлари қаҳри ёниб, ваъжотли қиёфага кирди: Мен сендан нафратланаман, ота.

У жаҳл билан падарининг юз-кўзи аралаш тарс-тарс

икки мушт туширди. Чорасиз қолган ота ўзини ўнглолмади. Кетма-кет тушган кучли тепкилар уни ерга қаптиштириб қўйди. Ҳўл отасининг биқинига бошлаб яна бир тепди-да, ташқарига чиқиб кетди.

У ўзини бу ёруғ оламга келтирган падари бузуқворидан ниҳоятла нафратланиб кетди. Қўнгилсиз воқеадан кейин бирин-кетин кунлар ўта бошлади...

Аслида ўша кезларда қайнота билан келинининг ҳуфёна хатти-ҳаракатларидан ҳеч қим воқоф эмас эди, деусак хато бўлар. Бир кун қайнона ярим тундан ошганда тасолифан меҳмонхонага

ИСНОДА

ЁКИ ЖАНОЗАСИЗ КЎМИЛГАН ОТА

кириб қолади. У беҳаёларча ётган эри ва келинини қўриб анча маҳалгача ток урган қишлоқ туриб қолди. Эр хотинини қўрганларининг бировига айтсан ўлдираркан, леброса қўрқитди. Эрининг шармсизлигидан қуйиб кетган шўрлик қайнона қариндош-уруғларига, жамоа ҳўжалли раҳбарларига шикоят қилиб, бодаларнинг беадаб отасини «тийиб» қўйишни бот-бот сўради. Аксита олиб на жамоатчилик, на жамоа раҳбарлари, на милиция хо-

димлари оиладаги шармандалик бу ҳолга эътибор қилмадилар. Натига: қотиллик... «Отамдан, албатта, қасд олинган керак. Шунча вақт чидаб келганим етар. Пичоқ суякка қалди. Энди ортиқ тоқат қилиб бўлмайди» — Мухаммаджоннинг бутун фикри-қаблини ана шу даҳшатли ва совуқ ўйлар қамраб олганди. Кечаси билан машўм режани қандай амалга ошириш ҳақида ўйлади. Ҳар эҳтиомолга қарши рўзгорга ишлатадиган ойболгани

ҳам тайёрлаб қўйди. «Кўрсатиб қўяман мен унга, кўрсатиб қўяман», — дер эди у титраб, қалтираб. Ярим тун. Чоратўғ зимистон. Осмонда саноксиз юлдузлар жилаваданади. Кучли шамол ялангоқ дарахт шоқларига урилиб, увиллайди. Табиатнинг ўтли ноласидан умуман беҳабар ота ширин уйкуда... охириги тун, охириги тонг, сўнгги кун...



ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1999 ЙИЛ

25 август. «Ўзбекистон овози» газетаси мустақиллик фойдалари, миллий мафқуранини фаол тарғиб қилгани учун 1999 йилнинг «Энг улуг, энг азиз» танлови ғолиби бўлди.

6 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП МК XX пленумининг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштироки тўғрисида»ги қарорини бажаришга оид чоралар ҳақидаги масала кўриштирилди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги ишларининг муваққат ишончли вакили Даниель Хунн қабул қилинди.

21 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Эрон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Мухсин Покойин, унинг илтимосига биноан қабул қилинди.

22 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида партия ташкилотларининг мамлакатимиздаги ялпи сайловларга тайёргарлик ишлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Сийёсий ижроия қўмитаси, партиянинг навбатдаги қурултойини жорий йилнинг октябрь ойида чақиришга қарор қилган Марказий Кенгаш XX пленумининг унга берган ваколатига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III Қурултойини 1999 йилнинг 8 октябрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

28 сентябрь. Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизматининг партия Марказий Кенгаши раҳбарияти мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор жамоат бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ва бошқалар билан сайловда битимларни тузгани ҳақидаги ахборот матбуотда чоп этилди.

(Давоми бор).

ГРЕЦИЯДА ҲАМ ЕВРО ҚўЛЛанилади

Европа Иттифоқининг Португалияда ўтаётган саммити иштирокчилари Грецияни евро пул бирлиги худудига қўшишга қарор қилди. Мазкур қарорга кўра, 2001 йилдан бошлаб Грецияда ҳам ҳисоб-китобни евро билан амалга оширишга киришилади.

МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ЧАҚИРДИ

Югославия ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини НАТОнинг ўтган йилги ҳаво ҳужуми вақтида вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларига ёрдам сифатида мамлакатга йигирма миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратишга чақирди. Ҳукумат расмий вакилининг айтишича, бу маблағ, асосан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ўттизга яқин муассасани қайта тиклаш ва таъмирлашга сарфланади.



САЙЛОВ НАТИЖАСИНИ ТАЛАБ Қилишмоқда

Шу кунларда Гаити пойтахтида тўс-тўполон авжига чиққан. Шаҳар аҳолиси 21 май кuni бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий ҳокимият органларига сайлов натижаси ўз вақтида эълон қилинмаётганидан қаттиқ норози бўлаётди. Намойишчилар шаҳарнинг асосий кўчаларида транспорт ҳаракатини буткул тўхтатиб қўйди. Улар сайлов натижаларини зудлик билан эълон қилишни талаб қилмоқда. Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, Гаити муваққат сайлов кенгаши раиси Леон Манус яқшанба кuni мамлакатдан қочиб кетди.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕРИЛДИ

Хитойнинг Ляонин вилоятида 11 нафар жиноятчи ўлим жазосига маҳкум этилди. Яна икки кишига умрбод қамоқ жазоси белгиланди. Маҳаллий полициячиларнинг айтишича, жиноятчилар 14 нафар шахтёрнинг ўлдирлишини уюштирган ва қон эгаларидан 30 минг АҚШ доллари талаб қилган.

Маълум бўлишича, мазкур жиноий гуруҳ аввалига яхшигина пул ваъда қилиб шахтёрларни ишга ёллаган. Сўнг уларни

конда портлатиб юбориб, бу ҳалокатга қандайдир рияз қилинмагани сабаб бўлганини рўқча қилган. Жиноятчилар қурбон бўлганлар учун бериладиган товон пулидан умидвор бўлган.



ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Россиянинг «Мир» космик станциясини ижарага олган АҚШнинг «Миркорп» компанияси келгуси йилдан бошлаб ўз қимматбаҳо қўғозларини халқаро молиявий бозорларга жойлаштиришни бошлади. Мутахассисларнинг фикрича, беш йил давомида компаниянинг мазкур фазовий мажмуадан кўрайдиган даромади йилга 600 миллион АҚШ долларига етиши мумкин.

(ЎЗА)

Хиндистондаги мўъжизавий темир устун. Юнонистондаги Парфенон обидаси.

Алишер РЎЗИЕВ олган суратлар



ТОМЛАРНИ УЧИРГАН БЎРОН

Мана иккинчи йилдирки, айнан июнь ойида Татаристонда бир неча лаҳзалик кучли бўрон кутуриши кузатилди. Бу сафар у бешта қишлоқ туманларини ва бир қанча аҳоли худудларини электр энергиясиз қолдириб, ҳамма ёқни пайқон этди. Айниқса, Қозон шаҳри атрофидаги Зеленодольск ва Высокогорск туманларига катта зарар етказди. Бир неча лаҳза ичидаёқ уй томларини бузиб ташлади. Пойтахт марказини ҳам аяб ўтирмалди: уйлар томлари ерларда сочилган, дарахлар кўпорилган, светофорлар йиқилган, кўчада

кестаётган автомашиналар қийшайган ҳолда қолди бўрондан сўнг. Об-ҳавони кузатиш маркази ходимларининг айтишича, бу атмосферада юз бериб турайдиган одатий ҳол экан. Худди шунингдек, Самарда ҳам мана шундай «тартибсизлик»ни юзага чиқариш учун атиги 2 минут кифоя қилди. Шаҳар матбуот хизмати маъмуриятининг хабарларига қараганда, бўрон сабаб 11 киши жароҳат олган. Фақат кечқурунга бориб шаҳарда жамоат транспорти ҳаракати бошланган.

ТАРИХ ВА МИЛЛАТ

«САҲАР ЎЙЛА, КунДУЗ ИШЛА, ОҚШОМ ЕБ, ТунДА УХЛА»

Андalus мамлакатининг Толедо шаҳридан Берунийга шогирд бўлиб келган Октавиан Андalusий Рей шаҳридаги вақтга ўргана олмай, жуда қўйналади. Билим олиш ниятида турли шаҳар ва мамлакатлардан келган бошқа талабалар билан устахонага борган Октавиан назарий ва амалий машғулотларда уламолар нутқ сўзлаб, панд-насиҳатлар қилганида унинг мийозий кўзлари уйқуга кетиб қолар эди. Машғулотлар тугаб, ҳамма уй-уйига тарқалганда пайта эса, у турли саволлар билан уламоларнинг вақтини олар, тунлари билан «ўз ўтида ўзи қовуриб», дарс қилиб чиқар эди. Тонг отиб, янги кун бошлангач, юқоридаги ҳолат яна қайтарилар эди. Шогирдининг аҳолидан воқиф бўлган Беруний унга қандай қилиб ёрдам бериш йўлини ахтарди.

Бир кuni устахонада бир ўзи қолиб, амалий машғулотлар ўтказиб, кеч тунда қайтиб келаётган Октавианни шаҳар мухтасибни тутиб, тартибузарликда айблади ва

«БИЛИМ ФАҚАТ ЯРАТУВЧИГАНА ЭМАС...»

Кон қозиш учун кўпоровчи молда ихтиро қилиш устида Беруний шогирдлари билан тинмай ишлади, шундай молдани топи ҳам. Унинг қувватини синаш пайтида молдининг тўрт мисқолдаги миқдори ишлатилар эди. Натижалар яхши, кўза кўринарли чиқаётганидан олим мамнун бўлди. Лекин унинг тажриба билан қизиқиб кетган шогирдлари Берунийга ирралик қилиб, молда миқдорини беш қарра ошириб, синов ўтказишни сўраб, бунда, кўпоровчи молда устига

эски қозонни тўнтариб қўйишни таклиф қилиши.

Тажрибадан завқланиб турган Беруний, бироз иккиланиб қолди. Шунда бухорлик Абдумалик гапга аралашди:

— Зўр келса, шу эски қозон ёрилуру устоз, — деди у қистаб, — ўрнига мен уйимдан катта қозонни олиб келаман, — деб ваъда қилди.

Беруний кўни — кўпоровчи молда миқдорини беш ҳисса ошириши. Устига эски қўн қозонни тўнтариб, пиликки ёқшиди-да, ўзлари тўсиқ ортга ўтиб, яшириниши. Оралдан бироз вақт ўтгач, шундай кучли портлаш юз бердики, молда устига тўнтарилган қозон у ёқда қолиб, тажриба ўтказилаётган эски отхонанинг томи ҳам учиб кетган эди.

Беш-олти қадам нарига бориб турган тажрибачилар доғираб қолишган. Беруний эса, устидаги чангни қоқиб, ҳаяжонда деди:

— Билим фақат яратувчигана эмас. Балким, барбод этувчи ҳамдир!

«ТАБИИЙ ИШИ САВОБЛИРОҚДИР!»

Илмий ишга берилиб кетган Беруний нафақат уйқуни, ҳатто овқат ейишни ҳам унутиб қўйиб, минглаб ўнамлар ўтказар, тажрибалар қилар, қузтувлар олиб борар, ҳисоб-китобга берилар эди. Бундай пайтларда гоҳо тоат-ибодат ҳам узулган. Буни билган шогирдлардан

бири бир кuni Муҳаммадан сўради:

— Устоз, маънавият сўпилик савобми ёки табиий қилган савобми?

— Албатта табиийлик савобдир, — деди Беруний ўйлаб ҳам ўтирмай.

— Устоз, ахир сўпи, мусулмонларнинг беш фарзидан бирини бажаришга даъват этур, — деди шогирд, чиндан ҳам боши қотиб. — Табиб эса, инсонга Оллоҳ томондан юборилган касаллик билан курашар. Ахир бул, Оллоҳга қарши исён эмасми?

— Сўпининг иши тоат-ибодатга мусулмонларни чақиртиришдир. У кунда беш марта азон айтавериб, бу ишнинг тобини олган. Бу ишда билимнинг ҳолати йўқдир, — деди Муҳаммад қилиб ва давом этди. — Табиб иши оғирдир. Дунёдаги одамларнинг бирортаси бир-бирига ўхшамаганидек, уларнинг дардлари ҳам ўхшамас турличадир. Табиийлик қилувчи қимса чўқур илмдор бўлмоғи зарур. — бироз жимликдан сўнг Муҳаммад шундай деди: — Илмнинг фазилати ибодатнинг фазилатидан афзалдир!

«МАВЛОНО ЖАННАТГА ТУШУР!»

Беруний шогирдлари билан бирга, темир тошларни май-

далаб, улардан олтин ва кумуш ажратиб олиш устида тажриба олиб бораётган эди. Эшикдан бир хабарчи кириб, эл ичида таниқди бир кекса олимнинг оламдан ўтганини ва шу кун пешин назомига марҳумнинг жасди чиқарилишини айтиб кетди. Улим хабари таъсир қилиб, иш бироз сустлашди, ҳамма ҳар хил хаёл оғушига берилди. Шунда шогирдлардан бири Муҳаммадан сўради:

— Устоз, марҳум мавлоно ҳаётлигида шароғат ружу қўйибди, деб эшитган эдим, — деди у қаю қилган кекса олимга шайма қилиб.

— Ҳар қимса бир нарсага ружу қўюр, — унинг сўзини бўлди Беруний. — Биров шароғат, бир қимса овқатга, яна бошқа биров эса хўроз уриштириша...

— Айтмоқчиманки, — деди шогирд тугулиб, — мана бу кун ул мавлоно бандалик қилди. Сўрамоқчиманки, энди ул зот жаннатга кетурми, ёким жаҳаннамга қуларми?

Уқувчилар ишларини четта суруб, Берунийдан жавоб куттишди.

— Жаннатга тушур, — деди қатъий қилиб Муҳаммад Беруний.

— Аммо, ул мавлононинг бирор марта жойнамоқ устида

тиз букканига қафил бўлувчи бирор қимса топилмас, — деди китмир шогирд. — Бутун умрини дунёвий илмларга сарф қилиб, илоҳий билимларини ўрганмаган.

— Оллоҳнинг олдида илоҳий ва дунёвий илмлар тенг қабул қилинурки, улар Оллоҳ ва унинг бандаларига наф келтирса, — деб жавоб қилди Беруний ва

таҳсил олар эди. Олим қанчалик урунмасин, ул бойвачанинг миёсига бирор бир илм ва ёки амалиётнинг услубларидан биров хилини жойлаштира олмади. Чунки, бутун ўргатилган нарса ул ўқувчининг ёдилан кўтарилар, таълим яна янгидан бошланар эди. Бундан яхши натижа кўрмаган Беруний шогирдлари билан ажралашди. Шунда,

риб олиб, Берунийни кутишар эди. Ҳа деганда устоздан дарак бўлмагач, йигитлар бир-бири билан ҳазил-хузул қилиб ўлтиришди. Шунда шогирдлардан бир шўхроғи, устознинг фаҳм-фаросатини синаб кўришни таклиф қилибди.

Абу Райҳон Берунийнинг ҳурмат-эътибори ўқувчилар ўртасида ниҳоятда баланд бўлишига қарамай, тақлиф ёшларга ёқиб тушди. Улар, бўр билан хат ёзиб юриладиган юқа тахтақачдан бирини олиб, Беруний ўлтирадиган кўрпачанинг остига тўкиб қўйишди.

БЕРУНИЙ ВА УНИНГ ШОГИРДЛАРИ

— Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом, айтганларки, бир соат илм ўрганмак, етмиш илмлик ибодатдан хайрироқдир. Шул сабаб мавлононинг жони жаннатда бўлур.

«СУВ УСТИГА БИТИЛГАН ЁЗУВ»

Абу Райҳон Берунийнинг қўлида Рей задаларидан бирининг ёши ўтган фарзанди

у: — Болалиқда ўргатилган илм — тош устидаги ёзувга, балогатта еттидан кейин ўргатилган илм эса сув устига битилган ёзувга ўхшар, — деди узоқлашётган бойвачанинг изидан.

СЕЗГИ

ЎТКИРЛИГИНИ СИНАШ

Хонага тўпланган шогирдлар ўз жойларига ўлти-

лардан эди. Шунда олимнинг шогирдларидан бири ундан сўради:

— Уста, нечун олим шаҳиддан устундир?

— Қиёмат кuni шаҳидларнинг қони олимларнинг машаққати ила бир тарозуга қўйилур, — деди Беруний ва ишонч билан гапида давом этди. — Шунда олимларнинг машаққати шаҳидларнинг қонидан оғир келур.

Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида шундай деганлар.

ИЛМ ВА ҲАЁТ ОРАЛИГИДАГИ ФАРҚ

Чигал ишдан боши қотган Беруний ишни четта суруб, ёстиққа ёнбошлаганича ҳаёлга кетди. Шунда, шогирд-

лардан бири унга бир пиёла салқин гулоб тутиб, сўради:

— Уста, қандай ташвиш сизга изтироб берур?

— Илмдан ҳаётгача бўлган оралик, ҳаётдан илмгача бўлган ораликдан фарқ қилиши ташвишидир, — жавоб қилди Беруний чўқур «ух» тортиб. — Мазали, олимлар олдий фуқаролардек ҳаёт кечирурлар, аммо олдий фуқароларнинг бирортаси ҳам олимлардек машаққат чекмас, олимларни англамас. Олимлар қандай юмуш билан машғуллар, не сабаб шул юмуш билан айнан шул услубда иш олиб боришлари сабабларини улар билмаслар. Бирок олимларга эса халқ ҳаёт тарзи кўпроқ маълумдир.

■ Аъзам АЗИМОВ, техника фанлари доктори, профессор (Давоми бор).

«БРИТИШ АМЕРИКАН ТОБАККО ЎЗБЕКISTON» ЯНГИ ЁКИ ИШЛАТИЛГАН «ПЛН — 4 — 35» ТУРДАГИ 10 ТА ПЛУГ СОТЫБ ОЛАДИ. Маълумот учун телефонлар: Тошкентда: 120-62-82, 120-51-18. Самарқанд: (8-3662) 30-51-18, 30-51-68. Алишер Миртошев ва Зуфар Охуновга мурожаат қилинг.

ДИҚҚАТ! КИМОШДИ САВДОСИ (АУКЦИОН)! Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар Бошқармаси ҳузурдаги Ер участкалари ва турар жойларни хусусийлаштириш хўжалик ҳисобидаги маркази. Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги Сирғали-14 даҳасида жойлашган ва яқна тартибда турар-жой бинолари қуриш учун мўлжалланган ҳар бирининг майдони 400 кв. м.га тенг бўлган ва бошланғич нархи — 269339 сўмни ташкил этган ер участкаларини кимошди савдоларига қўяди. Кимошди савдоси 2000 йилнинг 14 ва 28 июль, 11 ва 25 август ҳамда 8 ва 22 сентябрь кунлари соат 10⁰⁰ да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш савдолар ўтказилган кундан уч кун олдин тўхтатилади. Бундан ташқари, 14 ва 28 июль кунлари соат 10⁰⁰ да қуйидаги автотранспорт воситаларини сотиш бўйича кимошди савдоларини ўтказилади: — ГАЗ — 2410, 1990 й., бошланғич нархи — 189882 сўм; — ИЖ — 27151011, 1991 й., бошланғич нархи — 126459 сўм; Автотранспорт воситалари бўйича аризаларни қабул қилиш савдолоар бошланишидан бир соат аввал тўхтатилади. Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар яқшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9⁰⁰ дан соат 18⁰⁰ гача қабул қилинади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13. Қўшимча маълумотлар учун телефон: 144-51-84

